Ясмин Могаҳед (журналист, руҳиятшунос олима)

Мавзу: “Маҳзун бўлма”.

Ауъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Вассолату вассалааму аъла росулиҳи ва аъла аалиҳи васоҳбиҳи ажмаъин. *Роббиш роҳлий содрий ва яссирлий амрий. Ваҳлул уъқдатам миллисааний яфқоҳу қовлий. (У: «Эй Роббим, менинг қалбимни кенг қил... Менинг ишимни осон қил... Тилимдаги тугунни ечгин... Сўзимни англасинлар... Тоҳа сураси 25-28 оятлар).*

Мендан бугунги кунда жуда-жуда аҳамиятли ва муҳим бўлган мавзу ҳақида сўралди. Бу мавзунинг номи – (арабча – Лаа таҳзан инналлоҳа маънаа) маҳзун бўлма, албатта, Аллоҳ биз билан... ҳеч хафа бўлма, тушкунликка тушма, албатта, Аллоҳ доимо биз билан бирга... Лекин бунга киришишдан олдин Аллоҳ таоло йўлида умидсизликка тушишимизга сабабчи бўладиган (ёки умидсизликка олиб келадиган) баъзи нарсалар ҳақида гапирмоқчиман. Сизга ёқмайдиган вазиятга тушиб қолганингизда кўринг... бирон бир муаммони ҳал қила олишингиздан олдин, ўзгартириш керак бўлган нарсани топсангиз, аввало уни тўғри ташхис қила олишингиз керак... Муаммони ташхислаш учун эса, сиз уни кўришингиз керак ва бу ҳолда мен бошқа кўриш қобилияти ҳақида гаплашмоқчиман. Яъни бизнинг кўзимиздаги кўришдан фарқ қиладиган, “Басийра” (арабча “қалб кўзи”) деб номланган кўриш тури ҳақида гаплашмоқчи эдим. “Басийра(т)” бу, (қалб орқали) ички кўриш, зийраклик ёки узоқни кўра билишлик ҳисобланади. Шунингдек, у - дунёни кўра олиш ва тушуна олиш қобилияти ҳамдир. Бу - оддий жисмоний кўзимиз билан кўриш эмас. Чунки шундай одамлар борки, улар оддий жисмоний кўзлари билан барча нарсани тўла-тўкис, аниқ-тиниқ кўра олишлари мумкин, лекин улар қалб кўзлари сўқир бўлган кишилардан бўлиши мумкин. Аллоҳ субҳаана ҳува таоло бизга айтадики:

“Шундай кишилар борки, улар кўрдирлар, уларнинг кўзлари эмас, кўксиларидаги қалблари қўрдир”. (Фақат) бир нарсага эътибор беринг! Бизнинг кўпчилигимиз дунёни кўзимиз билангина кўришга, онгимиз билан тушунишга, фаҳмлашга ишонамиз. Ҳақиқатда эса Аллоҳ таоло айтадики: “Қалб – шундай бир нарсаки, у билан инсон дунёни (ҳақиқий маънода) кўра олади, тушуна олади, фаҳмлай олади”. Яна Аллоҳ таоло айтади: ***“Уларнинг диллари бору тушуна олмаслар...”*** *(Аъроф сураси 179 оят) яъни уларнинг диллари бору, (фақат) у билан ақл юритмайдилар, ўйлаб кўрмайдилар... зеро ушбу аъзо дунёни қандай англаш кераклигини бизга ўргатади. Агар қалб бузилса ёки қотиб қолса ёхуд ишламай қолса (тўғрироғи ўз вазифасини бажаролмай қолса) биз атрофимиздаги реалликни тўғри баҳолай олмайдиган, кўра олмайдиган бўлиб қоламиз... Нима учун Аллоҳ бизни бу ҳақда огоҳлантираяпти. Чунки бу, қалб сўқирлиги борасида бўлганлиги учундир. Ҳозирги кунда биз кўп чалкашликларга дуч келмоқдамиз ва қайси йўлдан бориш кераклигини (яъни қайси йўл тўғри эканлигини) билиш қийин. Сабаби турли инсонлар турли йўлларни айтишади. Мен кимга ишонишим керак, ёки қайси гуруҳга эргашишим керак деб ўйлайман, қайси вебсайтдан ўқишим мумкин (маълумот олишим мумкин)? Шунинг учун (бу ерда) хато(тартибсизлик)лар бор... ва ҳар доим тартибсизликлар бўлганда, шунчаки ўзингизга тегишли бўлмаган кишига (бегонага) бу вазифани бериб, йўлингизни топа олмайсиз... ҳа, биз илм талаб қилишга эҳтиёж сезамиз (яъни биз билим излашимиз керак), ҳа, биз илм аҳлини излашимиз керак... Лекин мен сизга бир нарсани айтаманки, агар бу хона кўзни қамаштирадиган даражадаги чироқлар билан ёритилса (бу чироқларни кўриб турибсиз), сўнгра сизга кўз боғлагич тақилса, (айтингчи) сиз шунда чироқларни кўра оласизми? Жавоб аниқ (йўқ кўролмайсиз). Фақатгина сиз боғични олсангизгина кўра оласиз. Шундай*

қилиб бу вазифани сиз учун ҳеч ким қила олмайди... Қаранг, сиз дунёдаги энг ажойиб устозга эга бўлишингиз мумкин, лекин бу, ёлғиз (индивидуал ҳолатда) Аллоҳ билан бажаришингиз керак бўлган ишдир. Шунингдек, қалбингизни сайқаллашингиз керак. Қалб бу, дунёни қандай кўра олишингиздир. Қалбингизга ғамхўрлик қилишингиз керак, шундагина у етарли даражада ёруғликни (эзгуликни) қабул қила оладиган даражада соғлом бўлади. Агарда қалб ёруғликни қабул қилишга тайёр бўлмаса, пок бўлмаса, қабул қилолмаса, сиз дунёдаги барча ёруғлик билан ўралган бўлишингиз мумкин. Яна шунингдек, энг зўр билимли мураббийлар қуршовида бўлишингиз мумкин. Агарда қалбингизни (ҳақни) қабул қилишга тайёрламасангиз, йўлингизни кўра олмайсиз. Биз ёлғиз ўзимиз қилишимиз керак бўлган нарса – қалбимизни тозалай олишимиз кераклигидир. Биз йўлни кўра олишимиз керак, (лекин) сизга кўринмайдиган йўлдан боролмайсиз. Сиз шунингдек, тўғрини хатодан ажратиб олишингиз керак. Ва биз, доимо Аллоҳдан сўрайдиган кишилар (қаторидан) бўлишимиз керак. Эй Аллоҳим!!! Бизга ҳақни ҳақ сифатида кўришни осон қил! Ва унга эргашишлик қобилиятини бер! (насиб қил)... ва бизга ёлғонни айни ўзидек кўрсат! (яъни бунда хатога йўл қўймайлик)... ва бизга ундан (ёлғондан) сақланишлик имкониятини бер!!! Бу ерда энг катта муаммоларнинг бири, тўғрироғи биринчиси бу, хатони хато сифатида кўра олмаслигимиз ҳамда оқни қорадан ажрата олмаслигимиздир. (Юқорида айтганимдек) агар биз қалбни поклай олмасак, муаммога тўғри баҳо беролмаймиз. Қалб ойнасини (турли зарарлардан) муҳофаза қилишлигимиз учун, уни тазкия қилишимиз (поклашимиз), ҳимоя қилишимиз зарур. Мен сизларни ва ўзимни ҳозирда бажариш жуда ҳам енгил бўлган нарса ҳақида огоҳлантираман. Бу ерда ўта нозик ва хатарли бўлган нуқта-бу, бутун диққат-этиборни муаммонинг айни ўзига қаратишдир. (Шу ерда)

мен учун жуда ҳам аҳамиятли бўлган ривоятлардан бирига сизларнинг этиборингизни қаратмоқчиман... бу Қизил денгиз олдидаги Мусо алайҳиссалом қиссасидир. Мен (ҳар доим) ўзимни худди шу ривоят ичида бўлгандек ҳис қиламан. Бу ривоят бизнинг бутун бир ҳолатимизни, (агарда) муаммога дуч келадиган бўлсак, ўзимизни қандай тутишимизни тушунтириб берадиган ривоятга ўхшайди ***(бу билан бу ерда бизнинг бугунги ҳолатимиз тўлиқ акс этган демоқчи,*** *таржимондан****).*** *Ва Аллоҳ субҳаана ҳува таоло бу ҳикояда бизга мана шундай бир бирига ўхшаш ташқи ҳодисаларда ҳамда қийинчиликларда инсонларнинг ушбу ҳолатларга нисбатан муносабатларини таққослаб, қиёслаб кўрсатади.*

61. Икки жамоат бир-бирларини кўрган чоғида, Мусонинг одамлари: «Энди қўлга тушдик», дедилар.

Узоқдан Фиръавннинг одамларини кўришлари билан Мусо алайҳиссалом билан кетаётган бани исроилликларнинг қалбларига ғулғула тушди. Ортларидан катта сонли аскар бостириб келмоқда, олдиларида денгиз турибди, қутулиб кетишга кўзлари етмай, тамом, энди қўлга тушдик, дедилар. Оддий инсон ўлчовига асосланилса, бу тўғри тахмин эди. Одатда, бундай пайтларда қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо Мусо алайҳиссалом бошқа фикрда эдилар. У киши Роббул оламийн ўзлари билан биргалигини бир лаҳза ҳам ёдларидан чиқармадилар. Аллоҳ таолонинг ёрдамидан ноумид бўлмадилар. Бу хотиржамликлари бир неча бор синовдан ўттан хотиржамлик эди. Шунинг учун, Фиръавн аскарларининг бостириб келишини ҳам, денгиз йўлни тўсиб қўйишини ҳам, Бани Исроилнинг ваҳима кўтаришини ҳам у зот алайҳиссалом парволарига келтирмадилар. Бемалол, хотиржам гапирдилар.

Сабаби, у кишининг қалблари (басийратлари) ҳамда бутун диқққат ва этиборлари ҳозирги муаммода эмас, балки Аллоҳда эди ва У зот ўзларига албатта, тўғри йўл кўрсатишини билиб, шу нарсани чин қалбдан ҳис қилиб, қавмларига қарата:

62. У (Мусо)**: «Йўқ! Албатта, Роббим мен билан, У менга тўғри йўлни кўрсатур», деди.**

(Шуаро сураси 61-62 оятлар).

Энг таҳликали, энг қийин, умидсиз чоғларда ҳам ўзини йўқотмаслик, умидсизликка тушмаслик мўмин кишига хос хусусиятлардандир. Чунки ҳақиқий мўмин инсон Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини, ўзига илтижо қилиб ёлборган бандасини қаровсиз ташлаб қўймаслигини билади. Дарҳақиқат Мусо алайҳиссалом айтганларидек бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам бу ҳикоя оддий ҳикоя эмас. Кўп инсонлар буни тушуна олмайди. Биз ҳам ана шундай қийин вазиятларга ўзимизни қўйиб кўришимиз ва шу оятдаги Мусо алайҳиссаломнинг ўзларини тутишларидан намуна олишимиз керак бўлади. (Яна) бир бор айтаман, биз муаммога эмас, Аллоҳга юзланайлик, муаммога бутун диққат эътиборимизни қаратиш ўрнига, У зот томон қаратайлик, бунинг йўли – У зотни зикр қилишлик, эслашликдир ...

Бу ерда яна бир нарсани айтиб кетмоқчиман, банда барча ишларида Аллоҳга таваккул қилиши керак. Бунда ишнинг барча сабабларини амалга ошириб, сўнгра қолгани Аллоҳга топширилади. Бу ҳақда энг гўзал таърифни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам берганлар, у зот айтадиларки: "Туянгни боғла ва уни Аллоҳга топшир", дея марҳамат қилганлар. Эътибор беринг!!! қўйвориб демадилар, балки бу ердаги асосий нуқта - уни боғлаб, сўнгра Аллоҳга таваккул қилишликдир... Биз шундай йўл тутишимиз керак – ишни қиламиз ва оқибатини (натижасини) Аллоҳга топширамиз... баъзиларга ўхшаб, фақат ишга, фақат натижага ёпишиб олмаймиз. Бу (мўмин) киши учун энг муҳим нуқтадир.

Яна бир нарсани билайлик, ишларнинг оқибатини чиройли якунлаш ёки бирор қийин вазиятни бартараф қилишлик бизни қўлимизда эмас. У ал-Фаттаҳ бўлмиш Аллоҳнинг измидадир. Мен ҳам, сиз ҳам, бошқа бирор

организация ҳам бу сифат – ал-Фаттаҳга эга бўлолмайди. Фақат ва фақат ал-Фаттаҳ зот бўлмиш Аллоҳгина бизнинг ишимизни ўнглаши, ўзгартириши мумкин... бу ўзгартириш яхши томонга ўзгаришидаги энг муҳим нуқта – Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзида акс этган:

«Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас».

Яъни, банда бир яхшиликка эришмоқчи бўлса, ўша яхшиликка етаклайдиган хислатларни ўзида мужассам этиши ва унга эришиш учун уриниши лозим. Ана шундагина Аллоҳ унинг ишида яхши томонга ўзгариш ҳосил қилади. Шунингдек, бандaнинг ўзидан ўтмаса, Аллоҳ унга ёмонликни раво кўрмайди:

яъни банда нафсини яхшилик томон ўзгартириши, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳни унутмаслиги, эҳтиётkор бўлиши лозим.

Шунингдек, мусулмон киши кучли бўлиши керак. бу кучлилик ҳар томонлама бўлиши зарур. Мен сизларга учта қуён болачалари ҳақидаги ҳикояни эслатмоқчиман. Унда ушбу ҳайвон болалари ўзларига бошпана қуришади. Биринчиси дангаса бўлганлиги учун ўзига жудаям нозик, шамолга ҳам йиқилиб кетадиган уйча қуради. Иккинчиси биринчисидан ҳам кўра дангасароқ бўлади у ҳам ўзига шундай яроқсиз, ночор уй қуради. Учинчиси эса сергайрат, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, тиришқоқ бўлганлиги учун жудаям мустаҳкам бошпана қуради... кунларнинг бирида буларга бўри ҳужум қилади ва дастлабки икки заиф инни бир пасда бузиб ташлайди, охиргисиникини буза олмайди. Нимага? Чунки унинг пойдевори ҳам деворлариям мустаҳкам эди. Буза олмасди ҳам. Мен буни нимага келтиряпман, сабаби бир нарсани ҳеч унутмайлик – бизлар (аҳли иймонлар) ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлишимиз, пишиқ асосга эга бўлишимиз зарур. Тўғри биз об-ҳавони, ёмғир ёки қорни бошқаролмасмиз, лекин ўз уйимизни, оиламизни контрол (назорат) қилоламиз. Бир нарсани

унутмайлик, ислом уммати мустаҳкам фундаментга (асосга) эга бўлиши лозим.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Ўз каломида:

24. ***Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса, осмонда.*** *(Иброҳим сураси 24 оят)*

Яхши сўз, ҳақ сўз иймон сўзидир. У сўзни Аллоҳ таоло бир яхши, соғлом дарахтга ўхшатмоқда. Бу дарахтнинг асли собитдир. Унинг томирлари ерга чуқур илдиз отгани учун мустаҳкамдир. Турли шамоллар, бўронлар ва бошқа омиллар уни жойидан қимирлата олмайди. Айни чоқда, бу дарахтнинг шохлари осмонда, юксакликдадир. У доимо мева бериб туради. Иймон ҳам худди шу яхши дарахтга ўхшайди. Асли мустаҳкам. Ҳеч нарсадан таъсирланмайди. Мартабаси олий. Доимо самарасини ҳам бериб туради. Бундан келиб чиқадики, уммат ҳеч қачон заиф бўлмаслиги лозим... бунинг учун биз индивидуал тарзда ҳамда жамоавий тарзда ишлашимиз, бир биримизга ёрдам беришимиз зарур... бунинг чун бизлар кўпроқ Қуръон ва суннатни маҳкам ушлашимиз, уни ишончли манбалардан ўрганишимиз, татбиқ қилишимиз керак бўлади.

Бу ҳақда ҳам Аллоҳ шундай дейди:

214. ***Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми? Уларни бало ва мусибатлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» деганлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир.***

Демак, жаннатга кириш осон эмас, иймон, Исломни оғизда эълон қилиб қўйиш билангина бўлавермайди. Жаннатга киришнинг бир шарти–аввалги умматлардан унга

киришга ҳақдор бўлганларга юборилган оғир синовларни бошдан ўтказиш зарур.

Яна Аллоҳ таоло айтади:

190. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун белгилар бор. *(Осмонга назар солиб, ақлини ишлатган одам, ерга назар солиб, ақлини ишлатган одам, кечаю кундузнинг алмашишига назар солиб, ақлини ишлатган одам, албатта, Аллоҳнинг ягоналигига, қудратига, яратувчилигига қоил қолмасдан иложи йўқ.).*

191. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин..

Сўзим охирида айтаманки, инсон бошқалар биланмас, балки доимо Аллоҳ билан яқин алоқада бўлиши, ҳеч қачон ёрдамни бошқаданмас, фақатгина Аллоҳдан кутиши ҳамда ҳаракатдан тўхтамаслиги керак. Ишларнинг сабабларини амалга оширади, Аллоҳга таваккул қилади... яна... яна ва ҳоказо. Бунга мисол – Сафо ва Марво оралиғида саҳрода ёлғизгина чақалоқ билан қолган Ҳожар онамиздир. У киши атрофда ҳеч нарса йўқ, лекин тоғниннг у ёғидан бу ёғига борадилар, бу ёғидан у томонига ... лекин бир лаҳза бўлсин Аллоҳни, унинг ёрдами келишини унутмадилар... Яна шунингдек, Айюб алайҳиссалом қиссаларини доимо ёдга олинг, барча нарсаларидан айрилдилар, лекин умидсизликка тушмадилар... натижа нима бўлди? Аллоҳ барча неъматларини у зот алайҳиссаломга ортиғи билан қайтиб берди. Яна шунингдек, бирор бир қийин аҳволдаги кишини кўрсак, унга ёрдам қўлини чўзайлик. Зеро, Набий алайҳиссалом: "Ким ердагиларга раҳм қилса, Аллоҳ унга раҳм қилади", деганлар. Шунингдек яна: "Ким бир

мўминнинг оғирини енгил қилса, Аллоҳ ҳам унинг (қиёматдаги) оғирини енгил қилади”, деганлар...

Таржимон: Исҳоқ Арабов